

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 44-ҳадис

44 - وَعَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ الرَّفْقَ لَا يَكُونُ فِي شَيْءٍ إِلَّا زَانَهُ، وَلَا يُنْزَعُ مِنْ شَيْءٍ إِلَّا شَانَهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Яна у кишидан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, мулойимлик бирор нарсага аралашса, ўша нарсани зийнатлайди. Аммо уни ажратиб олинса, у айбли бўлади», дедилар.

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Мулойимлик ва юмшоқ сўзли бўлиш доимо инсон учун хайр ва баракот олиб келади. Нафс илми олимлари- руҳшунос (психологлар)нинг кузатишларича, инсон қаҳрли ва кўпол бўлишидан кўра, мулойим ва юмшоқ сўзли бўлиши орқали кўплаб ютуқларга эришади. Лекин бунинг учун вақт ва сабр лозим бўлади.

Шунинг учун мен билан бирга Анас ибн Молик ҳадисларига қулоқ тутинг. У киши: "Мен Расулulloҳ с.а.в.га ўн йил хизмат қилдим, Аллоҳга қасам шу вақт мобайнида бирор марта мени сўкмадилар ҳам, жеркиб ҳам бермадилар. Агар мени кўрсалар табассум қилардилар", деб айтдилар.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Ислом мусулмон кишиларни мулойим бўлишга чорлайди.
2. Паст овозда сўзлашиш- мулойимликка хос хислатлардан биридир.
3. Мусулмон киши амали ва сўзини мулойимлик ва юмшоқлик билан зийнатлайди.
4. Мусулмон киши хайрли ишни мулойим бўлмаган ҳолда амалга оширса, унда яхшилик йўқдир.
5. Дўстларимдан ҳақни талаб қилишда мулойим бўлишим исломий хулқлардандир.

6. Ўзингдан кичикларга муомала қилишда мулойим бўлгин.

Манба: hadis.islom.uz

